



ТАБИАТГА МУНОСАБАТ –
МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ



ЖАМИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 24 (994)
2026 йил
16 июль,
Пайшанба

ТОШКЕНТДА 12 ТА СУНЪИЙ КЎЛ БАРПО ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигидаги видеоселектор йиғилишида пойтахтда қулай ва яшил шаҳар муҳитини яратиш бўйича янги лойиҳалар тақдим этилди.

Унга кўра, аҳоли ва сайёҳлар учун салқин микроклим яратиш мақсадида 12 та сунъий кўл барпо этилади. Шундан 3 таси Сергели туманидаги Қўшқўрғон, Султонобод ва Фароғатли маҳаллаларида жами 22 гектар майдонда ташкил қилинади.

Шунингдек, ўқувчилар ўрнини икки баробар ошириш имконини берадиган янги типдаги мактаблар қуриш лойиҳаси йўлга қўйилади. Жорий йилда Тошкентнинг ҳар бир туманида биттадан мактаб ва боғчада ушбу тажриба синовдан ўтказилади.

Бундан ташқари, “Жўн” канали бўйида сайилгоҳ ва саломатлик йўлаклари барпо этилиб, Чирчиқ дарёси бўйида 300 гектарлик янги “яшил белбоғ”, пиёдалар ва велосипед йўлаклари ташкил этилади.



БИР
БОЛАГА ЕТТИ
МАҲАЛЛА
ОТА-ОНА



ИССИҚХОНАЛАРНИ ДЕМОНТАЖ ҚИЛИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Махсус комиссия томонидан Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент, Зангиота ва Юқори Чирчиқ туманларида жойлашган иссиқхоналарни демонтаж қилиш ҳамда уларни сунъий иситиш тизимларидан узиш ишлари бошланди.

Таъкидлаш жоизки, куз-қиш мавсумида кўплаб иссиқхоналар сунъий иситиш учун кўмир, мазут, автомобил шиналари ва бошқа зарарли ёқилғи турларидан фойдаланган. Бу эса атмосфера ҳавосига белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда зарарли моддалар чиқарилишига сабаб бўлиб, нафақат атроф-муҳитга, балки аҳоли саломатлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатган. Шу боис фуқаролардан бу борада кўплаб асосли мурожаатлар келиб тушган.

Махсус комиссия томонидан ўтказилган рейд тадбирлари давомида зарарли ёқилғидан фойдаланган иссиқхоналарга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, ифлосланиш манбалари бартараф этилди. Натижада атмосфера ҳавоси сифатини маълум даражада яхшилашга эришилди.

Мазкур омилларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, ис-

сиқхоналарни иқлим шароити қулайроқ ҳудудларга кўчириш, тадбиркорларни иситиш тизимларидан фойдаланиш билан боғлиқ ортиқча харажат ва қийинчиликлардан халос этиш, шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан самарали таъминлашга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 25-мартдаги 108-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2026-йил 9-апрелдаги 162-сонли қарорларига асосан иссиқхоналарни сунъий иситиш тизимларидан узиш ишлари бошланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 162-сон қарорига кўра, иссиқхона фаолиятини тўхтатиб, “Сурхон-Агро” ҳудудида фаолиятини давом эттирадиган тадбиркорлик субъектларига қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари тақдим этилади:

— халқаро молия институтлари,

мақсадли жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда тижорат банклари маблағлари ҳисобидан миллий ва хорижий валютада иссиқхона хўжаликларига ажратилган кредитларни қайтариш муддати 5 йилга узайтирилади, жумладан, 3 йилгача имтиёзли давр белгиланади. Бунда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дав-

натиш билан боғлиқ харажатлар ер майдонининг ҳар бир сотихи учун 500 минг сўмгача миқдорда бир марталик тартибда қоплаб берилди.

Ҳозирги вақтда Тошкент вилояти тадбиркорларига Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган “Сурхон-Агро” эркин иқтисодий зонасига иссиқхоналар-



лат жамғармаси томонидан илгари берилган кафолатлар ва фоиз ставкаларини қоплаш бўйича компенсациялар сақлаб қолинади;

— 2028-йил 1-апрелга қадар “Сурхон-Агро” ҳудудига кўчирилаётган иссиқхоналар учун уларни демонтаж қилиш, ташиш ҳамда қайта ўр-

ни кўчириш шартлари, улар учун назарда тутилган имтиёзлар ҳамда бошқа муҳим масалалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шундан сўнг иссиқхоналар сунъий иситиш тизимларидан узилади ва тегишли шартномалар бекор қилинади.

ЯПОНИЯ КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Президентнинг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов Япониянинг «Сумитомо Корпорация» компанияси инфратузилма бизнеси департаменти директори Сосукэ Ишида бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланиб, Япония барқарор ривожланиш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш соҳаларида Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан бири экани қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган бешта умуммиллий экологик лойиҳа: “Яшил макон”, “Тоза ҳаво”, “Чиқиндисиз ҳудуд”, “Биомерос” ва “Экологик маданият” лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

«Сумитомо Корпорация» вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган экологик ислохотларни юксак баҳолаб, компания Япония

халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЖИСА) билан ҳамкорликда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатда турли лойиҳаларни амалга ошираётганини маълум қилди.

Япония томони иқлим ўзгаришига мослашиш, иссиқхона газлари ташламаларини камайтириш бўйича лойиҳаларга қизиқиш билдирар экан, иссиқхона мажмуаларида иссиқлик насослари технологияларини қўллашнинг ўз ичига олган энергия тежамкор иситиш, шамоллатиш ва ҳавони кондициялаш тизимларини жорий этиш борасидаги халқаро тажрибани тақдим этди.

Хусусан, Туркменистонда «Даикин» компаниясининг иқлим технологиялари асосида барпо этилган замонавий иссиқхона мажмуа-

си тажрибаси намойиш этилди. Шу муносабат билан Япония томони Ўзбекистонда иссиқхона хўжаликларини кўмир ёқилғисига асосланган иситиш тизимидан замонавий энергия тежамкор технологияларга босқичма-босқич ўтказиш бўйича пилот лойиҳани амалга ошириш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этди.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги “Греен Территорий” лойиҳаси ҳудудида энергия тежамкор иситиш соҳасидаги илгор ечимларни синовдан ўтказиш учун намойиш майдончасини ташкил этиш истикболлари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув якунида томонлар экспертлар даражасидаги маслаҳатлашувларни давом эттириш, устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш ҳамда иссиқхона хўжаликларини модернизация қилишга қаратилган пилот лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан, уни молиялаштиришнинг эҳтимоллий механизмларини биргаликда ишлаб чиқишга келишиб олдилар.



ТАБИАТГА МУНОСАБАТ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ



Бугун биз яшайётган XXI аср – юксак технологиялар, сунъий интеллект ва мисли кўрилмаган шаҳарлашиш (урбанизация) даври. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор: инсоният моддий қулайликлар ортидан қувиб, ўзи яшаб турган ягона уйи – Ер сайёрасини аёвсиз трансформация қилмоқда. Эндиликда инсон фаолияти шунчаки табиатга таъсир ўтказиб қолмай, балки унинг бутун экотизимини издан чиқарувчи асосий «антропоген куч»га айланди.

Айниқса, шиддатли урбанизация ва яшил ҳудудларнинг камайиши глобал муаммо сифатида кун тартибига чиқди. Энг ачинарлиси, бу муаммоларнинг илдизи иқтисодга эмас, бевосита инсоннинг ички дунёсига, яъни маънавиятига бориб тақалади. Зеро, табиатга бўлган муносабат – жамият маданияти ва маънавиятининг энг асл кўзгусидир.

Инсоният тарихда ҳеч қачон Ер юзига ҳозиргидек кучли таъсир ўтказмаган. Иқлимшунос олимларнинг таъкидлашича, биз сайёра тарихидаги янги даврга – «Антропоцен» (инсон даври) геологик даврига қадам қўйдик. Бу даврда Ер юзидаги барча ўзгаришлар табиий омиллар эмас, айнан инсон фаолияти туфайли содир бўлмоқда.

Факт: Ер юзидаги жами сунъий объектлар (бетон, асфалт, ғишт, пластик ва машиналар)нинг умумий вазни сайёрадаги барча тирик мавжудотлар (дарахтлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва инсонлар)нинг биомассаси вазнидан ўтиб кетди. Бугунги кунда инсоният яратган «тош ва бетон империяси» табиий оламдан оғирроқдир.

Бутун дунёда саноат корхоналари ва транспорт воситалари томонидан ҳавога чиқарилаётган иссиқхона газлари «иссиқхона эффекти»ни юзага келтирмоқда. Натижада глобал иқлим ўзгариши, музликларнинг эриши ва сув тошқинлари оддий ҳолга айланди. Аммо энг катта зарбани шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги яшил чинорлар, қадимий ўрмонлар қабул қилиб олмоқда.

БМТнинг «Жаҳон урбанизация истиқболлари» ҳисоботида кўра,

дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларда яшайди ва бу кўрсаткич 2050 йилга бориб 68 фоизга етиши кутилмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу жараён жуда фаол кечмоқда: мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоиздан ортиғи шаҳар ва шаҳарчаларда истиқомат қилади. Айниқса, пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг расмий аҳолиси 3,1 миллиондан ошди, кундалик мобилликни ҳисобга олсак, бу рақам янада юқоридир.

Бироқ шаҳарларнинг назоратсиз ва тез суръатлар билан кенгайиши экологик тизим учун жиддий юк бўлмоқда. Шаҳарсоликда «яшил архитектура» қоидаларига амал қилмаслик оқибатида қуйидаги тизимли муаммолар юзага келмоқда:

«Тош ўрмонлар» ва иссиқлик ороллари (Urban Heat Islands):

Кўп қаватли уйлар, бетон йўллар ва асфалт қопламалари кундузи қуёш иссиқлигини ўзига сингдиради ва кечаси уни атрофга тарқатади. Дарахтлар кесиб ташланган ҳудудларда ҳаво ҳарорати табиий яшил майдонларга нисбатан 3–5, баъзан эса 10 даражагача иссиқ бўлади. Ёзда шаҳарликларнинг нафаси бўғилиши, кондиционерларнинг тинимсиз ишлаши айнан мана шу «иссиқлик ороллари»нинг оқибатидир.

Битта катта соғлом дарахт бир кунда 4 киши учун етарли бўлган кислородни ишлаб чиқаради ва йилга ўнлаб килограмм чанг ҳамда заҳарли газларни ютади. Яшил ҳудудларнинг йўқолиши шаҳар ҳавосидаги чанг ва ис газини миқдорини кескин ошириб юбормоқда. Бугунги кунда дунёнинг йирик мегаполисларида, жумладан, қиш ойларида Тошкентда ҳам кузатиладиган кучли смог (чанг-ғубор) муаммоси айнан дарахтлар захирасининг камайиб кетгани билан боғлиқ.

Факт: Ривожланган давлатлар тажрибасида шаҳар ичидаги яшил ҳудудлар ҳар бир жон бошига камида 15–20 квадрат метрни ташкил этиши керак деб белгиланган. Тошкент шаҳрида эса бу кўрсаткич айрим марказий ҳудудларда бор-йўғи 3 квадрат метр атрофида қолган эди. Шу боис ҳам давлатимиз томонидан пойтахт ва унинг атрофидаги яшил майдонларни 25 минг гектарга етказиш, яъни 3 баробарга ошириш ва жон бошига тўғри келадиган кўрсаткични 6 квадрат метрга чиқариш бўйича йирик лойиҳалар бошланди.

Юртимизда атроф-муҳит муҳофазасига давлат даражасида жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, эълон қилинган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили миллионлаб кўчатлар экилмоқда. Экология соҳасига триллионлаб маблағлар йўналтирилиб, Сурхондарёда чанг-тўзонларга қарши «яшил маконлар», Сирдарёда «яшил деворлар» барпо этиляпти, Орол денгизининг қуриган тубида саксовулзорлар кенгайтирилмоқда. Самарқанд атрофида эса халқаро андозаларга мос «Яшил шаҳар» (Green City Samarkand) барпо этиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Аммо бу эзгу ташаббуслар қаршисида энг катта тўсиқ – яна ўша инсон омили, масъулиятсизлик ва маънавий кемтиклик бўлиб қолмоқда. Назорат органлари томонидан ўтказилган ўрганишлар аянчали ҳақиқатларни ўртага чиқармоқда: минглаб кўчатлар суғориш тизими бўлмаган қуруқ ерларга шунчаки «ҳисобот учун» экилган, миллионлаб маблағлар исроф қилинган. Қурилиш фирмалари томонидан кўп йиллик соя-салқин берадиган дарахтларнинг тунда яширинча кесиб ташланиши ёки илдизига кимёвий моддалар қуйиб қуритилиши ҳамон учраб турибди. Бу эса муаммонинг иқтисодий эмас, биринчи навбатда, маънавий эканини исботлайди.

Нега биз табиатни асраш ҳақида гапирганда маънавийни тилга оламиз? Чунки инсоннинг ички маданияти ва ахлоқи фақат одамлар билан бўлган муносабатда эмас, балки атроф-муҳитга, тирик жонзотларга ва ҳатто бир туп дарахтга бўлган муносабатида яққол намоён бўлади.


Замонавий жамиятни маҳв этаётган энг катта маънавий иллатлардан бири – эгоизм ва очкўзликдир. «Мендан кейин тўфон бўлмайди-ми», «Шу дарахтни кесиб, ўрнига дўкон курсам, кўпроқ пул топаман» қабилида фикрлаш – маънавий қашшоқликнинг олий кўринишидир. Дарахтларни пул учун қурбон қилувчи кимсалар ўз фарзандлари ва келажак авлоднинг соғлом ҳавосидан ўғрилиқ қилаётганини англаб етмаяптилар.

Бизнинг миллий кадриятлари-мизда, шарқона фалсафада табиатга муносабат иймоннинг бир қисми сифатида кўрилган. Ота-боболаримиз сувга тупуришни, уни беҳуда оқизишни гуноҳ санаган. Фарзанд туғилганда унга атаб ният билан ниҳол экишган. «Бир дарахт кессанг, ўнта эк» деган нақл шунчаки чиройли сўз эмас, балки ҳаётий қонуният бўлган. Бугун биз ана шу маънавий иммунитетни, табиатга бўлган фарзандлик ҳурматини йўқотиб қўйдик.

Ватанни севиш фақат баландпарвоз шиорлар айтишдан иборат эмас. Ҳақиқий ватанпарварлик – ўзи яшаб турган кўчани тоза тутиш, ахлатни белгиланмаган жойга ташламаслик, сувни исроф қилмаслик ва бир туп бўлса ҳам дарахт экиб, уни парваришладир. Экологик онги шаклланмаган, маънавий жиҳатдан етук бўлмаган инсондан ҳақиқий зиёли ёки ватанпарвар чиқиши мумкин эмас.

Биз табиатнинг ҳукмдори эмас, балки унинг ажралмас бир қисми-миз. Агар табиатга бўлган муносабатимизни ўзгартирмасак, келажак авлодларга фақат бетон ва чангдан иборат жонсиз дунёни қолдиришимиз мумкин. Сайёрани асраш – ўзимизни ва инсонийлигимизни асраш демакдир.

**Дилбар МАҲМУДОВА,
«Жамият».**



ЁЛҒИЗЛИК ЭШИК ҚОҚЯПТИМИ?

Яқинда «Ishonch» газетасида чоп этилган бир мақолани ўқидим - «Сени жуда яхши кўраман, ChatGPT». Аввалига буни замонавий технология ҳақидаги қизиқарли ҳикоя деб ўйладим. Аммо ўқиб бўлгач, ҳаёлимдан бир савол кетмади: агар эртага одамлар бир-бирини эмас, сунъий интеллектни яхшироқ тушунадиган даражага етса-чи?

Бу энди фантастика эмас.

Муаллиф ўзи учратган бир воқеа ҳақида ёзади - ёш қиз йўл бўйи ким биландир суҳбатлашади. Ва охирида сени яхши кўраман, дейди. У бу гапни йигитига эмас, ChatGPTга айтаётган экан.

Рости, мақола ўйлантириб қўйди...

Биз эътибор бермаётган долзарб мавзу!

Аввалига буни навбатдаги технологик янгилик деб қабул қила қолайлик, деб ўзимни тинчлантишга, эътибор бермасликка уриндим. Аммо сатрлар орасига кирганим сари англадимки, гап сунъий интеллект ҳақида эмас. Гап инсон ҳақида. Гап ёлғизлик ҳақида. Гап меҳр, эътибор ва тушуниш, ҳамдардликни соғина бошлаган одамлар ҳақида. Нега одамлар дардини онасига, отасига, турмуш ўртоғига ёки дўстига эмас, дастурга айтаяпти? Нега совуқ алгоритм айримлар учун тирик инсондан яқинроқ бўлиб қоляпти? Бу саволларнинг жавобини

технологиядан эмас, жамиятимиздаги муносабатлардан излашимиз керакка ўхшайди.

Сунъий интеллект инсон яратган восита. Аммо бугун дунёда виртуал муносабатлар ҳақиқий оилалар билан рақобатлаша бошлаётгани рост, демак бунинг ортида жамиятимиз учун жиддий ижтимоий муаммо ва ҳавф яширин.

Бугун айрим ёшлар дардини яқинларига эмас, сунъий интеллектга айтишни маъқул кўраётгани рост. Бу технологиянинг кучи эмас, балки инсонлар ўртасидаги самимий мулоқотнинг сусайиб бораётганидан далолатдир. Оилада ота-она фарзандини эшитмаса, эр-хотин бир-бирини тушунмаса, жамиятда инсон ўзини ёлғиз ҳис қила бошлайди.

Янада ташвишлиси, бугун айрим ёшлар сунъий интеллект билан «ҳиссий муносабат» қуришга уринаётгани ҳақидаги ҳолатлар муаллиф таъкидлаганидек, ҳақиқат! Ҳатто чет элларда сунъий интеллект билан рамзий «турмуш қуриш» ёки

виртуал шерик билан ҳаёт кечиришни танлаётганлар ҳақида хабарлар тарқалмоқда. Бу эса технология тараққиёти эмас, инсоннинг руҳий эҳтиёжлари қондирилмаётганининг хавотирли(!) белгисидир.

Мавзуга доир яна бир тақдирни мисол келтириш мумкин. Ёш оила 5 йилдан бери фарзанд кутади. Эр хотинлар соғлом, бақувват, ҳеч қайдай муаммоси йўқ, Эр давлат хизматчиси, хотини эса тикувчи. Оила катталари болалари фарзанд кўриши учун янгича ва эскича усуллардан ҳамма йўллари қилиб кўришган.

Эътибор бергансиз, албатта - тоқатсиз замонда яшаймиз. Ҳозир одамларда сабр танқис. Қайнона уларнинг ажралишларини истайди, ўғли тезроқ бошқасига уйланиб фарзандли бўлса...ёшлар эса бунга рози эмас. Келин билан суҳбатлашганимизда у гап орасида бир нарсани айтиб ўтди. Турмуш ўртоғи ChatGPT билан жуда кўп «гаплашаркан», иноқ экан! У буни лоқайд, бекор тарзда, шунчаки айтди — МУАММО НИМА ЭКАНИНИ ДАРҲОЛ АНГЛАДИК. Эр хотинидан кўра, «у» билан гаплашишни маъқул кўради, уни суҳбати қизиқроқ. Бу «ҲИССИЙ БОҒЛАНИШ» бўлмай нима?

Сунъий интеллект маслаҳат бера олади, суҳбатдош бўла олади. Аммо

у меҳр бермайди, масъулиятни ҳис қилмайди, оила қура олмайди. Шунинг учун ҳам уни инсон муносабатларининг ўрнини босувчи восита сифатида қабул қилиш хавфли тенденциядир.

Ёки «АЖРИМ МУҲОКАМАЛАРИ»да ажрашаётган жуфтликлар билан гаплашсангиз, яна бир нарсга амин бўласиз. «Эрим уйга келганидан телефонига «кўмилиб қолади», биз билан, болалари билан заррача иши йўқ. Унга фақат интернет керак, гапимизни эшитмайди. Телефон — кундошимдай», дейдиганлар ҳам бор. Ёки: «Хотиним мен билан эмас, доим интернет билан банд.» Энди эса шундай гаплар «У ChatGPT билан жуда кўп гаплашди...»

Демак, муаммо ChatGPTда эмас, ўзимизда. Эртага бошқа дастур чиқади, ундан ҳам кучлиси пайдо бўлади. Масала — инсоннинг инсондан узоқлашаётганида.

Муаммо — бир хонадонда яшаб, бир-бирини эшитмай қўйганимизда. Агар оилаларда мулоқот, меҳр ва ишонч муҳити кучаймаса, келажакда сунъий интеллект нафақат маслаҳатчи, балки айримлар учун ягона «сирдош»га айланиб қолиши мумкин. Бу эса ҳар биримизни ўйлантириши керак бўлган оғриқли масала.

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА





БИР БОЛАГА ЕТТИ

МАҲАЛЛА

ОТА-ОНА

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, вақт синовларидан ўтган шундай гўзал нақллари борки, улар шунчаки сўзлар жамланмаси эмас, балки бутун бошли жамиятни асраб турувчи маънавий пойдевордир. Ана шундай ҳикматлардан бири – «Бир болага етти маҳалла ота-она» мақоли. Бу ибора замирида шарқона тарбия тизимининг энг олий чўққиси – бола тарбиясидаги умумий масъулият, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат мужассам.

Бироқ бугун, шиддатли глобаллашув, технологиялар ва интернет олами ҳар бир хонадонга кириб келган XXI асрда ушбу қадрият бироз оқсаётгандек, гўё. Орамизда «ўзининг боласи, ўзи тарбияласин», «менга нима» қабилда иш тутувчилар кўпайиб бораётгани сир эмас. Хўш, биз қачон ва қайси нуқтада хато қилдик? Нега етти маҳаллани бирлаштирган меҳр ва масъулият занжири узилиб бормоқда?

Яқин ўтмишимизни, болалигимизни бир эслаб кўрайлик. Маҳалла кўчасида бирор нотўғри иш қилиб қўйсақ ёки одобсизлик қилсак, кўшни амаки ёки маҳалла аёллари бизни уришиб, тўғри йўлга солиб қўйишарди. Улардан хафа бўлиш, «бу менинг болам, ишингиз бўлмасин» деб жанжал қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Аксинча, ота-оналар кўшнилари миннатдор бўлишарди. Чунки улар ўз фарзандини нафақат ўз уйида, балки маҳалла бағрида ҳам хавфсиз ва ҳимояланган деб ҳисоблашарди.

Маҳалла – катта бир оила эди. Бир хонадонда тўй бўлса, ҳамма хизматга шайланар, бирор уйда мусибат бўлса, ҳафталаб у ердан хабар олинарди. Энг муҳими, маҳалланинг кўзидан ҳеч бир боланинг хулқи, юриш-туриши четда қолмасди. Тарбия узвий эди: уйда ота-она, кўчада эса жамият болани назорат қилар ва энг гўзал фазилатларни унга сингдирарди.

Бугунги кунда кўп қаватли уй-

ларнинг йўлакларида (подъездларида) бир қаватда яшаб, бир-бирини танимайдиган кўшнилари учрайди. Тонгда совуққина «салом-алик»дан нарига ўтилмайди. Мана шундай муҳитда катта бўлаётган болалар ҳам атрофдагиларга бегонадек қарайди.

Энг ачинарлиси, бугун кўчада бирор боланинг қўлида сигарет кўрсак ёки одобсиз сўзлар билан сўкинаётганига гувоҳ бўлсак, кўпинча индамай ўтиб кетамиз. Шаҳар шиддати бизни шунчалик бефарқ қилиб қўйдики, «танбех берсам, ота-онаси келиб мен билан уришади» ёки «ўзимни тинчим бузилмасин» деб кўз юзамиз.

Бу лоқайдлик эса жуда аянчли оқибатларга олиб келмоқда. Биз кўшнининг боласига «бегона» деб қараганимизда, у кулаётган жарликка кўз юмган бўламиз. Ваҳоланки, ўша жарлик бир кун келиб бизнинг ўз фарзандларимизни ҳам ютиб юбориши мумкин.

Ҳозирги замон болаларини фақат уй ва кўча тарбияламаяпти. Уларнинг учинчи ва энг хавфли макони – интернет маҳалласидир. ТикТок, Инстаграм, Телеграм ва турли онлайн ўйинлар бугун фарзандларимизнинг онгини шакллантирувчи асосий воситаларга айланиб улгурди.

Агар реал маҳаллада кўшни аёл ёки оқсоқол отахон болага яхши гапни ўргатган бўлса, виртуал маҳаллада уни кимлар кутиб олмақда? Нотаниш шахслар, зарарли ғоялар, беҳаё контентлар ва зўравонликни тарғиб қилувчи блоггерлар.

Айнан шу ерда биз «етти маҳалла ота-она» тизимини янгича форматда тиклашимиз керак. Бу фақат кўчада болани назорат қилиш эмас, балки рақамли дунёда ҳам хушёр бўлиш демакдир. Мактаб, маҳалла фаоллари ва ота-оналар бирлашиб, болаларнинг виртуал оламини ҳам назорат қилишлари, уларни фойдали тўғараклар, китобхонлик ва спортга жалб этишлари зарур.

Юртимизда маҳалла институти-

га жуда катта эътибор бериляпти. Маҳалла еттилиги (раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ходим) ташкил этилди. Уларнинг зиммасига катта масъулият юкланган. Бироқ тарбия тизими фақат еттиликнинг маош олиб бажарадиган ишига айланиб қолмаслиги керак.

Энг асосийси – оддий одамлар орасидаги маънавий иқлимни соғломлаштиришдир. Биз куйидаги тушунчаларни жамиятимизга қайтаришимиз шарт. Агар кўчада кўшнингиз болангизга нотўғри иши учун танбех берса, унга ташланманг, раҳмат айтинг. Бу кўшни сизнинг болангиз келажагига бефарқ эмаслигини, уни яхши инсон бўлишини истаётганини билдиради. Болалар урушади, ярашади – бу болалик қонунияти. Аммо арзимаган болалар жанжали туфайли йиллаб гаплашмайдиган кўшнилари бор. Маънавиятли жамиятда катталар вазминлик билан икки болани ҳам ўртага олиб, уларга дўстликни ўргатиши керак.

Маҳалладаги ҳар бир катта ёшли инсон ёшлар учун жонли китобдир.

Кўчага чиқинди ташлаётган ота, кўшниси билан сўкишаётган она фарзандига қандай тарбия бера олади? Болага юз марта насиҳат қилгандан кўра, бир марта гўзал амал билан ўрнатилган бўлиш минг чандон афзалроқдир.

«Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл шунчаки қадимий мақол эмас, бу бизнинг миллий хавфсизлигимиз, келажагимиз кафолатидир. Фарзандларимиз фақат бизнинг деворларимиз ичида эмас, бутун жамият бағрида улғаяди. Улар эртага биз яратган муҳитнинг маҳсули сифатида вояга етадилар.

Агар биз бугун лоқайдлик музларини эритмасак, кўчадаги болага ўз боламиздек куймасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Келинг, маҳалламизни яна ўша файзли, меҳрли ва бир-бирига суянч бўладиган қадрдон масканга айлантирайлик. Зеро, фарзанд тарбияси – бутун миллатнинг, бутун жамиятнинг энг муқаддас ва умумий бурчидир.

Фахриддин ҚУРБОНОВ,
Самарқанд вилояти,
Ургут туманидаги
Манғитобод МФЙ раиси.





М-39, ЖОНИНГГА БАЛЛИ!

Тун, кечаси соат 1:00, М-39 йўли... Саратоннинг кундузги иссиғидан сўнг тунги майин, салқин шабада кишига ором беради. Лекин автомобиль деразасини очсангиз, шовқиндан бошингиз айланади.

Кечки салқин ҳам татимади. Автомобиллар қатнови шунчалик кўпайганки, уларнинг шовқини қулоқни шанғиллатиб юборса, қарама-қарши томондан келаётган автомобиль чироқларининг ўткир ёруғлиги кўзни чарчатади. Машина рулини бошқармаса-да, бу ҳолат йўловчини толиқтиради.

Кейинги пайтда катта трассаларда нафақат кундузи, балки тунда ҳам автомобиллар қатнови кескин ошганини кузатиш мумкин. Айниқса, юк автомобиллари қатновининг кескин кўпайганини статистик маълумотларсиз, бир кун М-39 йўлидан қатнасангиз ҳис қиласиз.

Лекин шу ўринда статистик маълумотларни келтириб ўтсак зиён қилмайди. Миллий статистика қўмитасининг 2026 йил 1 апрель ҳолатига оид маълумотларига кўра, мамлакатимизда аҳолига тегишли транспорт воситаларининг умумий сони 4 миллион 903 мингтага етди.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 344,6 мингтага кўпдир. Автоуловнинг мутлақ кўпчилигини, яъни 92,8 фоизини енгил автомобиллар ташкил этади. Хусусан, аҳоли ихтиёрида 4 миллион 552 мингта енгил машина мавжуд.

Қолган транспорт воситалари юк автомобиллари (330,3 мингта), микроавтобуслар (7,5 мингта), махсус техникалар (7,2 мингта) ҳамда автобуслар (5,8 мингта) ҳиссасига тўғри келади.

Ҳар ўтганида юрак зириллайди...

Юк машиналарининг қатновини камайтиришнинг иложи йўқ, албатта. Гарчи ҳар ўтганда зирриллаб, нафақат қулоқни, балки енгил автомобилларни ҳам бир титратиб қўядиган бу юк машиналарининг кўпайгани иқтисод яхшиланаётганини билдирса-да, ...М-39 йўли шу нормага жавоб берармикан? Ушбу трассада бир неча йилдан бери до-

имий равишда асфальтлаш ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўламиз. Хўш, йўл бу каби оғир юк машиналари учун қанчалик чидамли?

Биз айтмоқчи бўлган асосий масала бошқа томонда. М-39 йўлининг катта қисмида дарахтлар йўқ. Эҳтимол, илгари бу сезилмагандир, машиналар қатнови кескин ошгани бу заруратни келтириб чиқармоқда. Хўш, катта йўл ёқаларида дарахт экишнинг қандай афзалликлари бор, бу ҳақда батафсилроқ тўхталсак.

Кўп функцияли битта ечим

- Йўллар бўйлаб дарахтлар экилиши экологик, функционал ва эстетик мақсадларни бирлаштиради, - дейди Самарқанд давлат университети профессори, география фанлари доктори Ваҳоб Рафиқов. — Биринчи навбатда йўл четидаги дарахтлар қор ва қум кўчкларидан шамол эрозиясидан ҳимоя қилади. Шунингдек, яшил наботот автомобиллардан чиқаётган карбонат ангидрид, зарарли чиқиндилар (азот ва олтингугурт оксидлари) ва чангни ютиб, ҳавони тозалайди. Улар, шунингдек, кислород ажратиб чиқаради ва ҳаво сифатини яхшилайди.

Айниқса, овоз изоляциясида дарахтларнинг ўрни муҳим. Яшил

майдонлар транспорт шовқинини камайтиради, ҳайдовчилар ва яқин атрофдаги ҳудудлар аҳолиси учун янада қулай шароит яратади.

Яна бир жиҳати: йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга хизмат қилади.

Дарахтлар табиий тўсиқлар вазифасини бажаради, транспорт воситаларининг йўлдан чиқиб кетишига йўл қўймади, куёш нурларидан ҳимоя қилади. Улар шунингдек, йўл чегараларини визуал равишда белгилайди ва ҳайдовчиларга йўлни топишга ёрдам беради.

Қолаверса, яшил хиёбонлар ёқимли визуал кўриниш яратади, ҳайдовчилар учун стрессни камайтиради ва иссиқ ҳавода сояни таъминлайди, асфальтнинг қизиқ кетишини камайтиради. Бир сўз билан айтганда, йўллар бўйлаб дарахт экиш атроф-муҳитни, хавфсизлик ва қулайликни яхшилашга қаратилган кўп функцияли ечимдир.

Дарахт экиш ҳақида гап кетар экан, яна бир муҳим ҳудудларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Яъни, Ўзбекистондаги 196 минг километрли канал бўйларига ҳам минг афсуски, дарахт экилмаган. Атиги 4 фоизигина талабга жавоб беради. Ваҳоланки, бунинг экологияга кўплаб ижобий таъсирлари бор. Мисол учун, дарахтларнинг бақувват илдиз тизими тупроқни маҳкам тутиб туради, натижада қирғоқ ўпирилишининг олди олинади. Экин майдонларини шамол таъсиридан ҳимоя қилувчи


яшил тўсиқ вазифасини бажаради. Сув сифатини асрайди, яъни дарахтлар сувга тушадиган куёш нуруни камайтириб, сувнинг ҳаддан ташқари қизиқ кетиши ва тез буғланишининг олдини олади.

Йўл ёки саноат ҳудудлари яқинида оқиб ўтувчи каналлар атрофидаги дарахтлар табиий филтр ҳисобланади. Бу борада ер ости сувлари сатҳи баланд ҳудудларга сувни кўп буғлантирадиган ва илдизи тупроқни чуқур тортувчи тераклар, толлар ва қайрағочларни экиш, айниқса, фойдали ҳисобланади.

24 соат қатнов

Кундузги 14.00. М-39 йўли. Саратон куёши нафасни қайтаргудай ёндирмоқда. Йўлда асфальтнинг ҳили чиқяптими ёки катта юк машиналар тутуними, ажратиб бўлмайди. Аммо шундай бўлишига қарамай, қатнов сийрак эмас, машиналар зув-зув қатнаб ётибди. Йўл четида дарахт бор ҳудудлар нисбатан салқиндек таассурот уйғотади. Лекин дарахт бор жойдан кўра йўғи кўпроқ. “Яшил макон” лойиҳаси иштирокчилари, такси, юк машиналари ҳайдовчилари бирлашиб, шу ишга киришса бўлмайдами? Шунча фойдалари билан бир қаторда ҳар сафар у ёки бу вилоятга қатнаганда “мен эккан дарахт бу” дея бир қараб ўтиш ҳам завқли-ку...

Гулрух МҲМИНОВА





ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК

инсоннинг ҳаёти ва эркинлигига дахл қилади

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ, қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-қаноатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса арзимаган гап-сўзлар, келишмоқчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк қўчага киритиб қўйиши мумкин.

Бироқ кейинги йилларда эр-хотин ўртасида содир бўлаётган жанжаллар барчамизда хавотир ва ташвиш уйғотади. Оммавий ахборот воситаларида дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар юз бераётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқимокдамиз. Аёлларни таҳқирлаш билан боғлиқ зўравонликлар кишини чуқур ўйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлаётганлиги сабабларидан бири, деб пандемия даврида карантин чекловлари туфайли уйдан чиқишнинг имкони чегараланганлиги оқибатида юз берди, дейиш мумкин. Яна бир сабаб кўни-қўшниларнинг, тегишли идораларнинг карантин пайтида оилавий муаммоларга аралашувининг кескин пасайганлиги нохуш воқеаларни келтириб чиқарди. Қола-

верса, менталитетимизга хос бўлган анъаналарга кўра, уйдаги жанжални қўчага чиқаришни хоҳламаймиз. Ана шу нарса ҳам аёлларга бўлган зўравонликни ҳам кучайтирди. Афсуски, андишага борилгани оқибатида ҳақорат ва зулм авж олди. Натижада аёлларимиз кийин вазиятга тушиб қолиб, ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига айтганларида “Ҳа, энди оилада бўлади-да” дейишлари ҳам аёлларнинг мунтазам ҳўрланишига олиб келмоқда. Оилавий зўравонликка бир оиланинг муаммоси ёки ташвиши деб қараш мутлақо нотўғри. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда ушбу муаммога қарши курашиб келинмоқда. Жабрдийдаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратил-

ган. Бизда одатда эридан жабр кўрган аёл тегишли жойга арз қилмайди. Бу ҳолат аксарият зўравонларнинг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшашини ҳисобга олсак, масаланинг нақадар оғирлигини англаш кийин эмас. Таҳлиллар ҳуқуқбузарликларни асосан эркаклар содир этаётганини кўрсатаётир. Ушбу иллатга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ўз фаолиятларини самарали ташкил этишларини ҳаёт тақозо этмоқда. Улар маҳаллаларда ва иш жойларида оилавий зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик суҳбатлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Иш шундай ташкил қилинса, кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинарди.

Айтиш керакки, оиланинг тинчлиги, аҳиллиги, бахти биринчи галда ота-онага боғлиқ. Шундай экан, эркак ўз оиласида тартиб-интизом, ахлоқ, ўзаро илиқ муомалада ўрнатилса, жамият ривож топади. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-қаноатли бўлиш керак. Ҳаёт синовлари ҳеч қачон оиладаги вазиятни чигаллаштирмаслиги, аксинча бир-бирини қўллаб-қувватлаш саодатга етаклашини унутмайлик.

Бахтигул МАТМУРОТОВА,
Фукаролик ишлари бўйича
Боғот туманлараро судининг
судьяси

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия
жамоат фонди

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ҚОР ҚОПЛОНИ ҲИСОРДАГИ ФОТОҚОПҚОН КАДРЛАРИДА

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси тасарруфидаги Ҳисор давлат қўриқхонасида ўрнатилган фотоқопқонга илвирс (қор қоплони) муҳрланди.

Қор қоплони йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган тур сифатида Ўзбекистон Қизил китоби, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхати ҳамда CITES-нинг II Иловасига киритилган. Қор қоплони Ғарбий Тянь-Шан (Уғом, Писком ва Чотқол тизмалари), Ғарбий Помир-Олой (Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари)да тарқалган. Тоғларнинг ўрта ва юқори қисмида яшайди, оқшомда фаол, кундузи ғорларга, қоялар орасига беркиниб ётади. Тоғ бўйлаб ёввойи туёқлилар ортидан юқорига ва пастга мавсумий кўчиб юради. 21 йилгача яшайди.

Ўзбекистон қор қоплонини муҳофаза

қилиш борасида халқаро микёсда фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Мамлакат қор қоплони тарқалган 12 давлатни бирлаштирувчи GSLEP дастурининг фаол аъзоси ҳисобланади. 2025 йилда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида GSLEP Бошқарув қўмитасининг 9-йиғилишида қор қоплони ва тоғ экотизимларини муҳофаза қилиш бўйича Чўлпонота резолюцияси қабул қилинди.

Қолаверса, Самарқандда бўлиб ўтган CMS COP14 доирасида Самарқанд резолюцияси қабул қилиниб, қор қоплонини муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилди. Умуман олганда, Ўзбекистон қор қоплонини муҳофаза қилишда халқаро ташкилот-



лар, қўшни давлатлар ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни кенгайтириш, замонавий мониторинг технологияларини жорий этиш ҳамда трансчегаравий тоғ экотизимларини биргаликда асрашга алоҳида эътибор қаратмоқда.



ЮНУС ЭМРО: ЙЎЛ УДИРКИ ҲАҚҚА БОРАР...

Баъзан шундай сафарлар бўладики, унда қўрилган тарихий обидалар, гўзал манзаралар ёки янги шаҳарлардан кўра кўпроқ инсон қалбига маънавий кечинмалар муҳрланиб қолади.

Яқинда Туркиянинг Невшехир вилояти Ҳожибектош шаҳрида буюк мутасаввиф шоир Юнус Эмро ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш асносида теран маънавий озуқа, ўчмас таассуротлар билан қайтдик.

Ўндан ортиқ давлат, хусусан, Ўзбекистондан ҳам вакиллар иштирок этган бу сафар давомида нафақат Юнус Эмро мероси ҳақида илмий мулоқотлар бўлди, балки Ҳожи Бектош Валийнинг маънавий дунёси, Бектошия таълимоти, Каппадокиянинг сирли тарихи ва Онадўлининг бой маданий қатламлари билан ҳам яқиндан танишиш имконияти туғилди.

Ҳожибектош – тасаввуф ва маърифат маркази

Туркиянинг марказий қисмида, қадимий Каппадокия кенгликлари бағрида, Невшехир вилояти ҳудудида жойлашган Ҳожибектош тумани ташки кўринишидан оддий шаҳарчани эслатади. Аммо унинг тарихи ва маънавий аҳамияти беқиёсдир. Бу ерда Бектошия тариқатининг асосчиси Ҳожи Бектош Валийнинг мақбараси, қадимий хонақоҳ, музей ва маданият маркази жойлашган. Асрлар давомида бу маскан Онадўли тасаввуф мактабининг муҳим марказларидан бири бўлиб келган.

Ҳожи Бектош Валий 1209 йилда Нишопурда туғилган. Устозлари Лукмон Паранда ва Бобо Илёс Сарахсийдан таълим олган, Аҳмад Яссавий меросидан илҳомланган ҳолда кейинчалик Бектошия тариқатига асос солган. Мўғуллар босқини даврида Онадўлига кўчиб келиб, ҳозирги Ҳожибектош ҳудудида ўз хонақоҳини барпо этган ва шу ерда

халқ орасида илм-маърифат, эзгулик ва инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилган.

Ҳожи Бектош Валийнинг қарашларида инсон қадри, бағрикенглик ва муҳаббат алоҳида ўрин тутади. Бу ғоялар унинг бизгача етиб келган шеърларида ҳам яққол намоён бўлади:

*Буюклик бошдадир,
тожда эмасдир,
Ҳарорат ўтдадир,
сожда эмасдир.
Ўзингдан излагин
ҳар не тиларсан,
Қуддусда, Маккада,
ҳажда эмасдир.*

Бу тўртликни макбара ҳовлисида эслар эканмиз, унинг маъноси янада теранроқ англашилади. Ҳожи Бектош инсонни ҳақиқатни узоқдан эмас, аввало ўз қалбидан излашга чақирган эди.

Ҳожибектош аҳолисининг катта қисмини алавийлар ташкил этади. Уларнинг маданиятида мусиқа, шеърят, амалий санъат ва инсонпарварлик ғоялари муҳим ўрин

эгаллайди. Кўчалардаги хунармандчилик дўконларида ҳазрат Али ва Ҳожи Бектош Валий тасвирларини кўриш мумкин. Оддий уйларда ҳам бу зотларнинг суратлари ҳурмат билан сақланади. Бу муҳит инсонга бир ҳақиқатни англатади: баъзан тарих китобларда эмас, балки одамларнинг кундалик ҳаётида яшайди.

Ҳожибектош атрофида турли ривоятлар билан боғлиқ қадамжолар кўп. Улардан бири Бештош тепалигидир. Ривоятларга кўра, Ҳожи Бектош Валий ҳақлигига гувоҳлик бериш учун тоғдан бешта тош юмалаб тушган экан.

Яна бир қизиқ маскан – Поклик ғори. Халқ орасида бу ғорнинг бир томонидан кириб, иккинчи томонидан чиққан инсон гуноҳларидан покланади деган қараш сақланиб қолган. Илмий жиҳатдан эмас, балки халқ тафаккурининг маҳсули сифатида бу афсоналар мазкур ҳудудга алоҳида жозиба бағишлайди.

Бу сафарнинг асосий сабаби буюк шоир ва мутасаввиф Юнус Эмрога бағишланган халқаро конференция эди. Иштирокчилар Ҳожибектошдан тахминан 60 чақирим узоқликда жойлашган Оксарой вилоятининг Ўртақўй туманига йўл олдилар. Бу ерда Юнус Эмрога тегишли деб ҳисобланадиган зиёратгоҳлардан бири жойлашган.

Профессор Хайридин Ивгин бу маскан тарихи ҳақида сўзлаб берди. Унинг раҳбарлигидаги экспедиция 1982 йилда мазкур қабрни ўрганган ва маҳаллий ривоятлар, қўлёзмалар ҳамда археологик маълумотлар асосида бу жой Юнус Эмро билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳулосалар чиқарган. Натижада шоир қабри устида мўъжазгина макба-

ра, унинг яқинида жомеъ масжиди, тадбирлар учун махсус бино. Кичик амфитеатр ва меҳмонхона қурилган.

Зиёратгоҳ атрофидаги сокинлик, узоқдан эшитилаётган Қуръон тиловати, майин шамол инсонни беихтиёр тафаккурга чорлайди.

– Ўзбекистон ва Туркияни жуда кўп муштарак жиҳатлар боғлаб туради, – дейди профессор Хайридин Ивгин. – Жумладан, Юнус Эмро ижодида она Ватан, туркий ўзлик, миллий илдизларга ҳурмат яққол сезили туради. Жумладан, Юнус Эмро Туркистоннинг буюк мутасаввифи Аҳмад Яссавийдан ҳар жиҳатдан ибрат олган, унга эргашган. Бугун Ўзбекистонда ҳам буюк алломалар ижодига, аجدодлар меросига катта эътибор берилаётганини кўриб, қувоняпмиз. Ўзим ҳам бир неча бор Ўзбекистонга бориб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Бугун ана шу муштарак меросимизни аввало ёшларимиз ўртасида, қолаверса бутун дунё микёсида кенг тарғиб қилишимиз керак.

Сафар доирасида биз Каппадокиянинг машҳур обидаларини ҳам зиёрат қилдик. Қояларга ўйиб қурилган уйлар, Гўреме очик осмон ости музейи, ер ости шаҳарлари, қадимий ибодатхоналар ва табиат яратган ғаройиб шакллар ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солади. Айниқса, Каймокли ерости шаҳри унутилмас таассурот қолдирди. Бир неча қаватли бу ерости салтанати қадимги инсон заковати ва муҳандислик маҳоратининг ёрқин намунаси.

Муҳими бу саёхатлар, суҳбатлар асносида теран илдизларимиз, муштарак қадриятларимиз бугунги кунда икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликда катта ўрин тутаётганини англаб етамиз.

Рустам ЖАББОРОВ,
Тошкент-Туркия-Тошкент

